

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшаётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида институционал ислохотлар амалга оширилди, пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотларининг давлат томонидан кафолатланган харид нархларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги оширилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилмоқда, натижада охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермапти.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. **Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг** (кейинги ўринларда – Вазирлик) **асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:**

биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, илғор тажриба ва фан ютуқларини, замонавий ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда тутувчи қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш орқали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати занжири яратилишини рағбатлантириш;

агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;

агротехник тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги, ҳосилдорлиги паст ерлар унумдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишга кўмаклашадиган қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;

кенг кўламли замонавий молиявий хизматларни ривожлантириш ва сифатли қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш имкониятини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан, биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

ўсимликларни химоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, зараркунандалар ва бетона ўтларга қарши курашиш, агрохимёвий хизмат кўрсатиш ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим, фан ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг тизимли асосда узвий интеграциялашувини, қишлоқ

хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

2. **Куйидагилар:** Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази** этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази** этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази ва унинг бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги **Уруғчиликни ривожлантириш маркази** этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Давоми 2-бетда ➡

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги "Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5708-сонли Фармонини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. **Куйидагилар:** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) **ташқилий тузилмаси** 1-иловага мувофиқ; бошқарув ходимларининг чекланган сони 132 нафардан иборат **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси** 2-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони** 3 ва 4-иловаларга мувофиқ; **туманлар** (Қувасой шаҳар) **қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони** 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар ва муассасалар тузилмасига ўзгартириш киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида уларнинг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда билим тарқатувчи мутахассис ва тренерларни тайёрлаш учун **Тошкент давлат аграр университети** ҳамда унинг **Нукус, Андижон ва Термиз филиаллари** ҳузурида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган **агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center)** ташкил этилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини, жойлаштирилишини ва самарали фаолият кўрсатишини таъминласин.

Давоми 2-бетда ➡

## Жараён

Ижтимоий ҳаётимизда кутилаётган муҳим жараён – фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига санокли кунлар қолди. Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган вилоятимизнинг 1 миллион 879 минг 871 нафар фуқаросидан 225 минг 584 нафари иштирок этиши кутилмоқда.

## САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Қибрай туманида сайловчилар сони энг юқори кўрсаткич – 18 минг 604 нафарни ташкил этади. Вилоятимизнинг олтита маҳалла фуқаролар йиғинида энг кўп, яъни 501 нафардан 700 нафаргача сайловчи иштирок этади.

Ҳозирги кунда жараёнда қатнашувчи ишчи гуруҳлар таркибига жами 5 минг 848 нафар киши бириктирилган бўлиб, вилоят бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир маҳаллада олти нафардан ходим жараёнга кўмаклашмоқда. Ишчи гуруҳларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, канцелярия товарлари харид қилиш, тарғибот воситаларини шай ҳолатга келтириш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан 265 миллион сўм ажратилди.

Вилоятдаги 1 минг 26 та маҳалла фуқаролар йиғинида кутилаётган сайловнинг 779 таси ўша ҳудудда жойлашган мактабларда ўтказилади. Шунингдек, 67 таси касб-ҳунар коллежида, 21 таси дам олиш масканида, 21 таси тўйхонада, 4 таси лицейда, 7 таси олий таълим муассасасида, 10 таси маҳалла гузариди, 29 таси корхона ва ташкилотлар биноларида бўлади.

Муҳими, барча сай-ҳаракатлар ягона эзгу мақсадга, яъни, сайловнинг демократик тамойилларга мос ҳолда ўтиши, шунингдек, юртдошларимизнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

**Суннатилла АСОМОВ,**  
вилоят маҳаллалар  
кеңашчи шўба мудири

## ИЛОҚ – КЎХНА ТАРИХ ДУРДОНАСИ

Ҳар бир халқнинг миллий қадриятлари замирида умумбашарий ғоялар, орзу-интилишлар мужассам бўлади.

Бизнинг ҳам шундай қадриятларимиз борки, улар бетакрор миллий қиёфамизни намоён этишда асрлар давомида энг муҳим фазилат бўлиб келмоқда.

## Фестиваль



Вилоятимизнинг қадимий масканларидан бўлмиш Оҳангарон туманининг Урғоз қишлоғи яқинидаги кўкликка беланган майдонда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган IV "Илоқ" этнографик фестивали ана шундай миллий қиёфамиз-



ни, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, тараққиёт борасидаги ютуқларимизни ақл эттирувчи йирик лойиҳа бўлди.

Вилоят ҳокимлиги, халқаро "Олтин мерос" хайрия жамағатмаси, Туризмни ривожлантириш департаменти, Республика кўғирчоқ театри, вилоят "Маҳалла", халқаро Амир Темур жамоат фондлари ва бир қатор мутасадди идоралар то-

монидан ташкил қилинган фестивал гўзал табиат қўйнидаги табиий декорациялар билан уйғунлашиб, ҳақиқий театрлаштирилган шоу томошага айланиб кетди. Фестивалда кўллаб сайёҳлар, юртимиз меҳмонлари ва туман аҳолиси иштирок этишди.

Қадимий Илоқ! Мағрур ва кучли, тилсимли ва ақл бовар қилмайдиган даражада бой юрт! Илоқ – Тошкент воҳасининг катта қисмини эгаллаган

жануби-шарқий минтақа. Мовароуннахр харитасида эса шимоли-шарқий вилоят. Ўрта аср Шарқининг тоғ-кон бойликлари тўлиб-тошган марказ. Бугун Ўзбекистоннинг ёқилги ва қурилиш ашёлари, металлургия саноатининг қатор тармоқларига минерал хом ашё етказиб берувчи энг йирик тоғ-кон саноати, шунингдек, муҳим ер ости хазиналаридан бири.

Давоми 4-бетда ➡

## ОКМК – РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва интеграциялаш жараёنларига динамик таъсирини ошириш мақсадида бугун "Олмалик КМК" АЖ ва "SFI Management Group" ишончли бошқаруви томонидан "Олмалик кон-металлургия комбинати техноген қолдиқларини қайта ишлаш масаласида замонавий муаммолар ва уларнинг ечимида инновацион технологиялар" мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди.

Икки кун мобайнида ўтган анжуманда 60 дан зиёд компаниялар, Россия, Қозоғистон, АКШ, Германия, Корея, Финляндия, Франция ва бошқа давлатлардан, шунингдек, юртимиздан 100



дан зиёд олим ва мутахассислар қатнашди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда "Олмалик КМК" ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган.

## Президент ташаббуслари – амалда

### «ЯНГИҚ ҲЎРҒОН» ЯНГИДАН БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус доирасида Бўка туманида маданий-маърифий тадбирлар, китоб ярмаркаси, ҳашар ва спорт мусобақалари ўтказилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф. Маҳмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Бўка тумани 2-сектори ҳудуди аҳолиси, ёшлар иштирок этди.

Ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун маданий тадбирлар, компьютер саводхонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғрисидаги китоб дўконлари, "Book safe" лар ташкил этиш, кутубхоналар фондини янгилash, уй бекаларини тикув цехларига жалб қилиш каби вазифаларни

сифатли бажариш, бу борадаги концепция ва таклиф этилаётган ҳар бир лойиҳани амалга оширишда самарали қўллаш мақсадида Бўка тумани тажриба-синов тариқасида танлаб олинди. Айтиш керакки бу ерда кенг кўламли ишлар олиб борилаётган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

3. Белгилансинки: Вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг био ва нанотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва жорий этиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновациялар ривожланиш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ва янгилаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Ўзагрокимё-химос" АЖ билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва ўсимликлар ҳимоясини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: Вазирлик ихтиёрига ўтказиладиган ташилотлар тегишли ташилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

лимон ва грек ёнғоғи ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар, картошка ишлаб чиқарувчилар уюшмалари раҳбарлари таъсисчилар умумий йиғилиши қарори билан сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири тақдирномасига кўра Вазирлик Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан, хизматлар кўрсатишдан олинмаган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туманлар (Қува-сой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари фаолиятини молиялаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофот пуллари, устамалар ва бошқа пул мукофотларини тўлаш) манбалари ҳисобланади.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда дон маҳсулотлари нархларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий этиш бўйича тақлифларни;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро (хорижий) молия институтлари ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда хорижий тажриба ва жойлардаги ҳақиқий аҳволни чуқур таҳлил қилиш асосида аниқ молиявий манбаларни ва механизмларни кўрсатган ҳолда қуйидагиларни назарда тутувчи 2019-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланилмаётган ер майдонларини ўзлаштириш концепцияси лойиҳасини киритсин;

замонавий ирригация ва мелиорация технологиялари ҳамда ерларни суғориш усулларини кенг жорий этиш; тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаол жалб этиш; Концепцияни амалга оширишда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

8. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 апрель

Бошланғич 1-бета

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

4. Вазирлик: а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда интеграциялашган электрон ахборот айирбошлаш тизими ва портали, шунингдек, агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги ва грант маблағларини жалб этиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар республика ҳудудларининг ишлаб бериш ва инвестиция салоҳияти, захира ерлари тўғрисидаги ахборотлар, статистика ва гидрометеорологик маълумотлар, инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқлари билан таъминланганлиги ҳамда соҳага доир бошқа маълумотлардан иборат "invest.gov.uz/agro" Ўзбекистон инвестиция порталида тегишли ахборот блоки ва унинг мобиль иловаси яратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 майдан: Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим машларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,4 бараварга оширган ҳолда қўлланилади; ҳудудий бўлинмалар ходимларининг лавозим машларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,2 бараварга оширган ҳолда қўлланилади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Вазирлик бир ой муддатда: а) Вазирликнинг янги ташкил этилган таркибий ва идоравий бўйсунувидаги бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқласин;

Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур назорий билан ва амалий кўникмаларга, Вазирликка оқлатилган вазибаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

б) халқаро ташкилотларнинг ва хорижий мамлакатлар молиявий муассасаларининг техник кўмаги ҳамда грант маблағларини жалб қилган ҳолда ҳудудларда агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) тармоқларини босқичма-босқич ташкил этишга доир "Йўл харитаси"ни тасдиқласин;

в) аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган Вазирлик, унинг бўлинмалари ва улар раҳбарларининг фаолиятини баҳолашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самардорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 апрель

Бошланғич 1-бета

«ЯНГИҚҮРҒОН» ЯНГИДАН БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Бу борада туман 2-сектори, жумладан, "Янгиқурғон" маҳалласи ҳудудида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги эски мактаб биноси таъмирланиб, 60 ўринли мактабга таълим муассасаси, 300 ўринли тикув фабрикаси ташкил этилмоқда.

Маҳалламизда 2 минг 150 дан зиёд, жумладан, 1000 дан зиёд хотин-қиз ва 500 га яқин эиш истиқомат қилади, — дейди "Янгиқурғон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Ғофуров. — Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича туманимизда бошланган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари қишлоғимизда ҳам жадал давом этмоқда. Жумладан, эски мактаб биноси ўрнида янги боғча, тикув фабрикаси ва замона-

вий кутубхона фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бу аҳоли, айнисса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилса, мактаб стадиони таъмирланиб, у ерда барча шароит яратилиши ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишига замин яратади.

Туман 2-сектори таркибида 10 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, қарийб 5 минг хонадонда 26 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 13 мингдан ортиғи хотин-қизлардир. "Янгиқурғон" маҳалласи ҳудудидаги стадионда мазкур сектор таркибидаги маҳаллалар аҳолиси учун концерт дастури намойиш этилди. Таниқли хонадонлар ва қизиқчилар иштирокидаги байрам тадбирида иштирокчиларга 5 минг 200 дан



ортиқ китоб бепул тарқатилди. — Яқиндагина "Меҳробдан чаён", "Ўтган кунлар" ва "Ал қиёмат" китобларини совға қилишган эди, — дейди 28-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси М. Абдураупова. — Туманимизда бошланган оммавий китобхонлик таъсирида қисқа вақтда ушбу китобларни даярли ўқиш бўлдим. Айти кунларда "Меҳробдан чаён"ни тамомлаётган эдим. Бугун "Ёлғизликнинг

юз йили"ни совға қилишгани айти муддао бўлди. Президентимизнинг бўқали ёшларга қаратаётган эътибори ва ғамхўрлигига жавобан биз юртимиздаги бошқа тенгдошларимизга ўрнак бўлишимиз керак.

Тадбир доирасида миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва расмлар кўргазмаси, меҳнат, арзонлаштирилган китоб ва қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ярмаркалари ташкил этилди. Сектор аҳолисига помидор, бодринг ва булғор қалампир, гул ва дарахт кўчатлари, 800 та парранда, 250 та куён бепул тарқатилди. Шунингдек, сектор ҳудудидаги мактабларга 200 га яқин спорт анжومي, 50 та мусиқа асбоби, 600 дан ортиқ ўқув қуроли берилди. Шундан сўнг маҳалла ахли, ёшлар иштирокида ободонлаштириш хашари ўтказилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎЗ

КИТОБХОН ЁШЛАР ҲУЗУРИДА

Унда "Саодат" журнали бош муҳаррири Мунаввара Усмонова ҳамда журнал масъул котиби Қўтлибека Раҳимбоева, вилоят Ёзувчилар уюшмасидан шоир Ботир Эргашев, Мирзо Карим, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эралиева, "Наврўз" нашриёти директори Илҳом Халиловлар иштирок этишди.

Тадбирда "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилаётган "Халқ кутубхонаси" учун "Раҳбардан ўн китоб" акцияси доирасида бадиий адабиётлар тақдим этилди. Шунингдек, 39-мактабининг намунали ўқувчи ва ўқитувчиларига 15 дан зиёд китоблар совға қилинди.

Ўз мухбиримиз

Корхонанинг мавжуд таркибий тузилмаларини 2023 йилгача модернизация ва реконструкция қилиш дастури ишлаб чиқилди. Халқаро конференцияда техноген майдонларни қайта ишлашга жалб этиш, қазиб олишга кетаётган сарф-харажатларни минимал даражага тушириш, экологик таваккалчиликларни қисқарттириш ва мавжуд минерал хом ашё захираларидан тўлиқ фойдаланишга оид масалалар муҳокама қилинди.

ОКМК — РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

Ушбу халқаро конференцияда ўз маърузам билан иштирок этаялман, — дейди Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Умумий ва ноорганик химия институти докторанти Ситорабону Расулова. — Молибден концентратини қайта ишлаш масаласида илмий иш олиб бораялман. Комбинат майдонларида техноген чиқиндиларнинг қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги бирикмалари йиғилиб қолган. Мақсадим — молибден, вольфрам шламлари ва бошқа қимматбаҳо фойдаланиш маҳсулотларини ажратиш йўлида қайта ишлаш технологиясини яратиш орқали айти соҳада бўлаётган самарали ҳаракатларга ўз ҳиссамни қўшиш...

Халқаро конференция комбинат олдида турган амалий вазибалар ечимининг мақбул механизмларини танлаб олиш, мамлакатимиз ҳамда хориж давлатлари илм-фан жамоатчилиги билан манфаатли ва узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиш имкониятларини янги босқичга олиб чиқди.

Ўз мухбиримиз

Шу кунги тумандаги 39-мактабда ҳамда "Халқ овози" газетаси қошидаги махорат мактаби ўқувчилари билан ҳам учрашув ташкил қилинди.



Юқори Чирчиқ тумани, Саксон ота маҳалласида яшовчи Адилхон Тоиров удабуронлиги билан тилга тўшган. Кўпчилик бир йил тиним билмай ишлаб топган даромадни у киши бир мавсумдаёқ жамғаради. Энг қизиғи, Адилхон ака донғи кетган бизнесмен эмас, томорқасидаги 5 сотих ерда ихчамгина иссиқхона ташкил этган, холос!

□ Томорқа — хазина

Оиланинг асосий даромади шундан келади. Халол меҳнат қилган, жон қойитганнинг иши юришади-да! Хонадонига ризқ, қут-баракат киради. — Жорий йил иссиқхонамизга 1 минг 600 туп помидор кўчати эчкид, — дейди Адилхон Тоиров. — Насиб

ЖОН ҚОЙИТГАННИНГ ИШИ «БЕШ»

қилса, шу ойнанинг охирида илк ҳосилни узамиз. Июль ойида помидор кўчатлари ўрнига бодринг экамиз. Хуллас, шу 5 сотихли иссиқхонадан бир мавсумда икки марта ҳосил оламиз.

Помидор ниҳоллариди ҳосил нишонларининг сероблигини кўриб, уста миришқордан бунинг "сири"ни сўраймиз.

— Асосан, томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланамиз. Найлардан совуқ эмас, илиқ сув юборамиз. Бу кўчат томирларини ва туғунлаш жараёнини тезлаштиради. Совуқ сувда илдишлар шамоллаб, касалликка чалинувчан

бўлиб қолади. Бундан эҳтиёт бўлиш керак.

Томорқамизнинг қолган қисмига ҳам иссиқхона қуришни режалаштириб турибмиз. Бунинг учун барча зарур нарсаларни олиб қўйдик. Фойдани ҳисобламаймиз, баракаси учди. Шу иссиқхона ортидан уй-жой қилдик, тўй-томоша кўраямиз. Ҳосилни маҳалла-қўйга сотамиз, ортганини бозорга олиб чиқамиз. Ҳар ҳолда, маҳалла ахли биздан мамнун бўлса, топганимизга янада кўпроқ баракат инади-да...

Ғулумжон МИРАҲМЕДОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири



Янгилик

# ЭЛЕКТРОН ШАҲОДАТНОМА ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Унинг афзаллиги нимада?

Мақтобларда аънавий қоғоз шаҳодатнома билан бир қаторда унинг электрон варианты ҳам жорий этиш кўзда тутилган. Яъни, шаҳодатнома қоғозининг орқа қисмига махсус QR-код қайд этилади. Бу коди сканер қилиш орқали битирувчи ҳоқда умумий базадан осонгина маълумот олиш мумкин бўлади.



– Тизим онлайн режимда веб технология асосида ишлайди ҳамда ҳимояланган сокет орқали маълумот алмашилади, – дейди Халқ таълими соҳасида АКТ-ни ривожлантириш маркази мутахассиси Юлдузхон Раҳматов. – Мақтаб директорлари логин, парол орқали тизимга кириб, битирувчилар ҳақидаги маълумот ва баҳоларни, шаҳодатнома турини киритади. Ҳар бир мақтаб доирасида битирувчилар базаси шакллантирилади. Шаҳодатнома электрон имзо билан тасдиқланади.

Мазкур механизмнинг ишга тушиши шаҳодатнома рақамлари асосида битирувчилар ҳақида маълумотларни идоралараро тармоқ орқали алмашиш имкониятини беради. Шунингдек, онлайн ҳужжатлар алмашишнинг ҳам осонлаштирилади.

@haqiqatonline


Замондош билан юзма-юз

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътибори билан республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимиз Парламентга йўллаган Мурожаатномасида онкологик касалликлар жиддий муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлаб, ҳар йили бу хасталиқдан 22 мингга яқин юртдошимиз азизат чекаётгани айтилган эди. 2019-2025 йиллар-

да Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясида беш йил давомида онкологик касалликка чалинганлар орасида ўлим ҳолларини камида 5 фоизга камайтириш кўзда тутилган. Бугунги кунга келиб, мамлакатимизнинг шифокор ва олимлари саратон касаллигини даволашнинг янги усулларини изчилик билан татбиқ этишмоқда. Олиб борилаётган

чора-тадбирлар самарасини янада ошириш мақсадида соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга, замонавий технологияларни имкон қадар кўпроқ қўллашга ҳаракат қилинмоқда. Бундай муҳим ва юксак масъулиятни талаб қиладиган вазифаларни бажаришда халқимизнинг содиқ фарзанди, дунёга танилган олим Дилшод Зикирхонжаевнинг ҳиссаси каттадир.

# ОДАМЛАР, СИЗ МЕНИНГ ҲАЁТИМ



ни инobatга олиб, шифокор олим ушбу хасталиқнинг табиатини ўрганишга интилоқда. Шу мақсадда инсон генини ўрганишга қаратилган турли илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда. Д. Зикирхонжаевнинг фикрича, аксарият ҳолларда саратон касаллигининг кўпайишига тамаки маҳсулотлари чекиш, ичкиликбозлик ҳамда атроф-муҳитнинг ифлосланиши сабаб бўлмоқда. Афросиё, урбанизация жараёнлари ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

**Ачинарли жиҳати шундаки, аёлларнинг кўкрак бези саратонига чалиниши тобора ёшариб бормоқда.**

сабаб бўлмоқда. Афросиё, урбанизация жараёнлари ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Келажакка катта умид билан қарётган шифокор онкология касаллигини енгиш мумкинлигига чин дилдан ишонади. Бунинг учун, авваламбор, бошланғич давридаёқ саратон хасталигининг олдини олиш зарур. Ҳар бир инсон вақтида тиббий кўридан ўтиши, ўзининг яқинлари ва қариндошлари орасида тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Японияда олиб борилаётган профилактик чора-тадбирлар бунинг яққол исботидир. Бугунги кунга келиб кунчиқар мамлакатда ошқозон-ичак ёки простата бези саратони хасталигига чалиниш ҳолатлари анча камайган. Сабаби, Япония фуқаролари мунтазам равишда махсус текширувдан ўтадилар. Профи-

лактик кўриқдан бош тортганлар эса, ҳатто, меҳнат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин. Натижада, турли ўсимта ва шишлар пайдо бўлиш босқичидаёқ аниқланиб, тегишли чоралар қўрилади.

Д. Зикирхонжаев фикрига кўра, ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда онкология соҳасини янада ривожлантириш мақсадида турли ташхис кўвчи жиҳозлардан самарали фойдаланилмоқда. Гастрофиброскопия, колоноскопия, генетик тадқиқотлар ва бошқа муолажалар шулар жумласидандир. Бугунги кунда ўзбекистонликлар ривожланган мамлакатлар тажрибасини синчковлик билан ўрганишлари лозим. Шунини айтиш жоизки, кўпгина давлатларда одамлар почта орқали етказилган реактивлар ёрдамида ўзларига ташхис қўйдиладар ва унинг натижаларини тегишли клиника ва лабораторияларга жўнатиладар. Бундай ёндашувлар ўз натижаларини бериши му-

қаррардир. Олим аҳолига ўз вақтида эмлашдан ўтиши ҳам тавсия қилади. Чунки, бу касалнинг олдини олишда энг самарали усуллардан биридир. Шу билан бирга, мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шугулланиш, соғлом турмуш тарзи таъминлашга риоя этиш, экологик

тоза озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш, чекиш ва спиртли ичимликлардан тўғалигича возилаш зарур.

МДХ ва Евроосиё мамлакатлари онкология ва рентгенорадиология марказлари ва олийгоҳлари раҳбарлари уюшмасининг вице-президенти кўп йиллар давомида Герцен номи Москва онкология илмий-тадқиқот олийгоҳи билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу нуфузли илмий масканда профессор кўплат таниқли олим ва шифокорлар билан тажриба алмашди. Унинг ёрдамида ўзбекистонлик ёш олимлар ушбу олийгоҳда малакасини оширади, халқаро семинар, конгресс ва бошқа илмий анжуманларда иштирок этади. Шуниси қувонарлики, юртдошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз пойтахтида ҳам иккита йирик илмий анжуман бўлиб ўтди.

Д. Зикирхонжаев барча билими ва куч-ғайратини мамлакатимизнинг

онкология тизимини янада яхшилашга қаратмоқда. Шу мақсадда у Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббий маркази олимлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Доимий равишда олиб борилаётган фикр алмашувлари, ташкил этилаётган малака ошириш курслари ва кўплат илмий-амалий анжуманлар бунинг исботидир.

– Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, шу буюк замин Ватанимдир, – дейди Дилшод Зикирхонжаев. – Мамлакатимиз ва халқимизнинг бугунги кунини ва келажакни ҳамisha диққат қилиш керак. Тан олиш кераки, охириги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт соҳасига катта аҳамият берилмоқда. Айниқса, онкология соҳасида тубдан ўзгаришларни кузатиш мумкин. Мисол тариқасида барча вилоятларда очилаётган касалхоналар, таъмирланаётган клиника ва кишлоқ врачлик пунктларини, чет давлатлардан келтирилаётган энг замонавий тиббиёт жиҳозларини айтиш мумкин. Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар кун сайин ўз самарасини бермоқда.

Таниқли олим шу кунларда ёш мутахассисларни тайёрлаш, таълим қилиш ва даволашнинг янги усулларини татбиқ этиш, хорижий мутахассисларни мамлакатимизга имкони борича кўпроқ жалб этиш бўйича муайян иш олиб бормоқда. Шу ўриндан, 2021 йилгача мамлакатимизда онкология соҳасини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш учун давлатимиз томонидан 32 миллиард сўм ва 144 миллион АҚШ доллари ажратилаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Бундай саъй-ҳаракатлардан янада кўнгли тўлган ва келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланган Дилшод Зикирхонжаев Ўзбекистон ва хориждаги етуқ малакали ватандошларимиз ўртасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш истаги билан яшамоқда.

**Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ**  
Мансур ҲИММАТОВ  
олган сурат

# БИТИРУВЧИЛАР ЖАМҒАРМАСИ

Ҳуқумат қарори билан таълим муассасаларида уни битириб, юксак ютуқларга эришган номдор шахсларнинг ҳоимийлик хайрия маблағлари ҳисобига шакллантирилган битирувчилар Жамғармаси ташкил этилди ҳамда унинг низоми тасдиқланди. Ҳуқуқий ахборот канали бу ҳақда маълум қилди.

Низомга мувофиқ, Жамғарма таълим муассасаларида унинг раҳбари буйруғи билан ташкил этилиши мумкин. Жамғармани ташкил этиш мажбурий эмас. Жамғарма маблағлари қуйи-

дагилар учун йўналтирилади:  
– зарур ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда жиҳозларни харид қилиш;  
– иқтидорли ўқувчи ва талабаларни, шунингдек, кам таъмин-

ланган оила фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш ва муқофотлаш;  
– профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимларни рағбатлантириш ва бошқалар.



@haqiqatonline

Сўнгги пайтлардаги тест тизимига киритилган янги ўзгаришлар албатта, аҳолига қулайлик яратиш, кириш имкониятларини кенгайтириш мақсадини кўзлаган. Бироқ, айрим ўзгаришлар нафақат фуқаролар балки, Адлия вазирлигининг ҳам эътирозига сабаб бўлмоқда.

# ТўЛОВ ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Гап шундаки, Адлия вазирлиги ДТМнинг тест тизимига киритиши режалаштирилган ўзгаришлари бўйича ўз хулосаларини берди. Унга кўра, тест синовларини такрор топшириш учун энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорда тўлов ундирилиши вазирликка ёқмаган.

“Бу фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларига зид, чунки конституцияда ҳар кимга моддий ва жисмоний имкониятларидан қатъи назар, таълим олиши учун бир хил имконият бериш белгилаб қўйилган. Шу боис, мазкур бандни қайта қўриб чиқиш керак, ушбу масала бўйича аҳоли ўртасида норозиликлар юзага келиши мумкинлигини инобатга олиш лозим”, дейилади хулосада.

Бундан ташқари, вазирлик ДТМдан имтиҳонда фойдаланиладиган дарсликлар масаласи, 2 йил муддатга амал қиладиган сертификат берилиши ва ДТМ раҳбарининг мақоми вазирга тенглаштириш бўйича бандга ҳам эътироз билдирган.

## Реклама ва эълонлар

Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Юқори Чирчиқ кўчаси, 1-уйда жойлашган "ARSLON PLASTIK" МЧЖ ўст-тав жамғармасидаги 33 фозизлик улушини сотиши ҳақида маълум қилади.

Мурожаат учун телефонлар:  
**(90) 973-03-14,**  
**(91) 621-40-49.**

Ўрта Чирчиқ тумани 27-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2003 йилда Дўждилбоева Ойсулув Нурлановна номига берилган ОР-А-1440930-сонли (рўйхат рақами 10) шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Бизнинг суҳбат

Жорий йилнинг 9 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Йўл ҳаракати қондаларига ўзгариш киритиш тўғрисида”ги 292-сонли қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, йўл ҳаракати қондаларида бир қатор янги тартиблар жорий этилди.

Қарорга биноан, эндиликда куннинг ёруғ вақтида барча автотранспорт воситалари яқини ёритувчи чироқларини ёки кундузги сигнал чироқларини ёқиб ҳаракатланиши шарт. Хўш, бу нимага керак?

– Бу борада, аввало, илгор хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди, – дейди вилоят ИИБ ЙХҲБ матбуот хизмати раҳбари Рустам Асқаров. – Жаҳон тажрибасида чироқларни ёқиб юриш йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ижобий таъсирини кўрсатиши исботланган.

2016 йил 1 мартдан кучга кирган йўл ҳаракати қондаларида автобус ва микроавтобуслар, йўловчи ташуви фаолияти билан шуғулланувчи транспорт воситаларига кундузги вақтда ҳам яқини ёритувчи чироқларни ёқиб юриш мажбурий қилиб белгиланган. Эндиликда бу амалиёт барча транспорт воситаларига тегишли.

Чироқни ёқиб келаётган транспорт воситасини пиёда ҳам, ҳайдовчи ҳам узоқ масофадан илғайди, хушёр тортади. Бу қоида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

– Камералар аниқлаётган қоидабузарликлар борасида ҳам кўп эътирозлар бўлаётган эди. Англаганингиздек, гап 5.33 рақами билан белгиланган тўхташ чизиги тўғрисида кетаяпти. Камералар бу ҳолатни ҳам қоидабузарлик, деб тасвирга туширар, ҳайдовчилар эса

кўпинча: “Машинам гилдираги тўхташ чизигини босмаган, олдинги нуқтаси чизик устида турибди”, дея эътироз билдиришар эди. Қарорда бу каби ҳолатларга ҳам ойдинлик киритилганми?

# Йўл ҳаракати қондаларида янги ўзгаришлар:

# ПИЁДАДАН ТОРТИБ, ҲАЙДОВЧИГАЧА

– Йўллардаги қоидабузарликларни аниқлаш учун республикамизнинг барча чорраҳалари, марказий кўчаларига камералар ўрнатилди. Бу ўз самарасини бериб, қоидабузарликлар сони сезиларли даражада камайди. Аммо, камералар ишлаши баробарида қоидаларнинг айрим бандларига тўлдиришлар киритиш зарурлиги аён бўлди. Шу сабабли, қондалар 41-бандининг биринчи хатбошиси қуйидагича қайта таҳрир қилинди:

“Светофорнинг (реверсивдан ташқари) ёки тартибга солувчининг таъкидловчи ишорасида ҳайдовчилар транспорт воситаларини тўхташ чизиги (5.33 йўл белгиси) олдида (бунда транспорт воситасининг энг олдинги нуқтаси тўхташ чизиги устига чиқиш кетмаслиги керак), тўхташи лозим”.

ли йўл белгиларини ўрнатишга) ваколатлидир”. Аввалги таҳрирда фақат тезликни ошириш ёзилган эди. Лекин, транспорт воситалари ҳаракатининг таҳлили тезликни ошириш баробарида уни пасайтириш ҳам зарур эканлигини кўрсатди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилганда, Европанинг ривожланган кўплат давлатларида ушбу тезлик соатига 50 километр этиб белгиланган. Озарбайжон, Грузия, Россия, Туркменистон, Қозоғистон давлатларида эса соатига 60 километр этиб белгиланган.

Эндиликда ҳокимликлар айрим йўл участкаларида тезликни пасайтиришлари мумкин бўлади. Бу иш, албатта, ДИХХ билан келишган ҳолда, йўл белгилари ўрнатилган амалга оширилади.

– Бунинг сабаби шундаки, амалдаги “Йўл ҳаракати қондалари”да айланма ҳаракат ташкил этилган чорраҳада ҳаракатланиш тартиби белгиланган берилмаган эди. Шунинг учун айлана ҳаракат ташкил этилган жойлар бир-бирдан фарқ қилади. Ҳаракатланиш йўл белгилари асосида ташкил этилади. Шунингдек, ушбу қондаларнинг 60-бандида ҳайдовчи ўнг томондан яқинла-



# ПИЁДАДАН ТОРТИБ, ҲАЙДОВЧИГАЧА

## Туризм

Вилоят туризмни ривожлантириш департаменти берган маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи чорагида туризм соҳасида умумий қиймати 57,4 миллиард сўмлик 17 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 7 таси меҳмонхона, хостел ва соғломлаштириш мажмуалари бўлиб, уларда бир пайтнинг ўзида 425 нафар меҳмонни қабул қилиш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги ва Туризмни ривожлантириш департаменти ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун инфо-тур ташкил этилди.

Иштирокчилар, даставвал, бутунлай янгидан қурилиб,



## САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ришди. Бу жаннатмонанд худуднинг тоза ҳавоси, гўзал манзаралари минглаб дам олувчиларни ўзига чорлайди. Ўтган йилнинг охирида фойдаланишга топширилган "Surra" кўнгилочар дам олиш

мажмуаси сайёҳлар ва юртдошларимиз билан гавжум. Бу маскан Швейцария усулида бунёд этилган бўлиб, 40 та "лайфбокс" ва 10 та "шалля"дан иборат. Уларнинг ҳар бирида битта оила жойлашади. Хоҳловчилар табиат кўйида хордиқ чиқаришлари мумкин. Бу борада ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Мажмуанинг эшиклари йилнинг исталган мав-



миз. Очiq майдонда эса, болажонлар учун турли аттракционлар ўрнатдик. Айни пайтда осма дор йўли, очiq ва ёпиқ сув ҳавзаси қуриш ишлари бошлаб юборилган.

Билдирсой кўйида ҳам "Тибет" санаторий-меҳмонхонаси қад ростлади. Яқин кунларда бу ерда бир вақтнинг ўзида 120 нафар киши дам олиб, соғлигини тиклаши мумкин.

Шунингдек, Чимён-Билдирсой худудларида киши ва ёзги спорт иншоотлари, сув парклари, экотуризм ва альпинизмни ривожлантириш марказлари, замонавий меҳмонхона комплекслари, дам олиш масканлари, соғлиқни сақлаш ва бошқа сайёҳлик объектлари қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Инфо-тур давомида журналистлар ҳам саёҳат қилишди, ҳам ўзлари учун керакли маълумотларни олишди.

К. САЛОМОВА  
Р. ГАЛИЕВ олган сурат

реконструкция қилинган Зангиота мажмуасини зиёрат қилишди. Зиёратгоҳ атрофидаги замонавий меҳмонхоналар, шунингдек, меҳмон уйлари ва овқатланиш шаҳобчаларида бўлишди.

Экспурсиянинг кейинги манзили – Паркентдаги "Физика-Куёш" институти бўлди. Сабаби, Паркентой бўйида, Тянь-Шань тоғининг этагида бунёд этилиб, фойдаланишга топ-

ширилиши кутилаётган беш қаватли "Edelweis" мажмуаси мактабига арзиғулик иншоот бўлган. Халқаро стандартларга мувофиқ жиҳозланган люкс хоналар ва коттежлар, очiq ҳамда ёпиқ ҳовузлар, спортнинг экстремал турлари ишқибозлари учун махсус майдон ва қурилмалар дам олувчиларга мунтазир.

Биласиз, Кумушқонга келувчилар жуда кўп. Айниқса,

яқинда сайёҳлар учун эшикларини очган "Физика-Куёш" институтининг "Катта Куёш печи"ни қуришга иштиёқмандлар ҳатто хорихдан келишяпти. Ахир, бундай қурилма дунё бўйича атиги 2 та: бири Ўзбекистонда, иккинчиси эса, Францияда!

Инфо-тур қатнашчилари йўлни Бўстонлик томонга бу-

сумида ҳамма учун очiq. – Бизнинг мажмуамиз оилавий дам олувчиларга мўлжалланган, – дейди мажмуа директорининг ўринбосари Улуғбек Нарзикулов. – Халқимиз болажон. Хоналарни жиҳозлашда ана шу жиҳатга, шунингдек, менталитетимизга хос урф-одатларга алоҳида эътибор қаратган-

## Ёшлар овози

Жорий йилнинг 19 март куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб мутолаасига бўлган қизиқишни ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббус, уни амалга ошириш механизми, бунда эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий жиҳатлар атрофида муҳокама қилинган эди.

## БЕШТА ТАШАББУС ЯНГИЙЎЛГА ҲАМ ЕТИБ КЕЛДИ

Юқорида қайд этилган ташаббуслар ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мазкур ташаббусларнинг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан Янгийўл тумани ва шаҳри мактабларида қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, туман ва шаҳардаги таълим муассасаларида ўқувчиларни мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатга кенг жалб этиш мақсадида хор гуруҳи, тасвирий санъат, ҳаваскорлик театр жамоалари ташкил этилмоқда. Хусусан, тумандаги 44-умумтаълим мактабда Умида Усмонова ва шаҳардаги 2-мактабда Дилрабо Жусонова бошчилигидаги мусиқа тўғрақларида ёш талентлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш янада кучайтирилди. Спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида футбол, волейбол, кўл тўпи, баскетбол, енгил атлетика бўйича тўғрақлар сони кўпаймоқда. Компьютер йўналиши бўйича ўқув гуруҳлари очилиб, машғулотлар ўтказилмоқда. Таълим муассасаларида компьютерларни интернет тармоғига улаш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўқувчилар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида ҳар бир синф хоналарида кутубхоналар ташкил этилди.

## ЮРТГА СОДИҚЛИК САБОҚЛАРИ

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда Ўзбекистон Республика ДХХ чегара қўшинлари, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва Касаба уюшмалари вилоят бирлашмалари ҳамкорликда "Ёш чегарачилар" ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.

### Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

Ёшларда юртга садоқат туйғуларини камолга етказиш, уларни ўз халқига, Президентига ва Ватанига садоқат руҳида ўстириш, чегара қўшинларининг шонли ва жанговар аъёнлари давомчиларини тарбиялаш, чақирқача ёшдаги ўсмирларни чегара қўшинларида хизмат қилишга тайёрлаш мақсадида ўтказилган мусобақа кўпчиликти катта қизиқиш уйғотди.

Мусобақада Оҳангарон туманининг "Энергетик", Қиб-

рай туманининг "Қалқон", Бўстонлик туманининг "Алплар", Пискент туманининг "Қалқон", Бекобод шаҳрининг "Темур авлодлари", Бекобод туманининг "Шунқорлар", Бўқа туманининг "Қалдирғоч" ва Янгийўл шаҳрининг "Бургут" жамоалари белгиланган шартлар бўйича беллашилди.

Яқини натижаларга кўра, Қибрай туманининг "Қалқон" жамоаси 1-ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.



Тадбир сўнггида голиб ва иштирокчилар диплом, фахрий ёрлик ва қиммат-

Мансур ХИММАТОВ олган суратлар



## Бизга ёздилар

### КўНГИЛ ИЗМИДА ЯШАГАН ШОИР

Ҳақиқий шоирлар ўлмайди, улар яратган асарлар бир умр инсонлар қалбига яшайди. Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг шеърлари ҳам халқимиз юрагидан муносиб ўрин олган.

Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-мактабда шоир таваллудининг 65 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Умрини кўнглига толпириб яшаган шоир" номли бадий кечада шу каби фикрлар тилга олинди. Тадбирда вилоят халқ таълими бошқармаси мутасаддилари, тумандаги барча мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ота-оналар, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

Саҳна декорациясини ўқувчилар ўз қўллари билан безатишди: Мухаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди акс этган расмлар, нафис ва ранг-баранг гуллар, шоир хотирасига ҳурматдан дарак, албатта.

Кечада сўзга чиққанлар, шоирни бетақдор ижодкор, беғубор қалб эгаси, дилкаш инсон, ҳақиқий ўзбек фарзанди сифатида гуруҳ билан ёдга олишди.

– Мухаммад Юсуф халқимиз севган шоир эди, – дейди мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилфуза Серикбоева. – Шоирнинг ҳар бир шеърини юракка етиб борадиган сўзлар бор. Ўқувчиларимга М. Юсуфнинг шеърларини ёдлашни тавсия этиб келаман.

Тадбир давомида, ўқувчилар томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шоир қаламига мансуб "Лолақизгалдоқ", "Ўзбекистон", "Меҳр қолур, муҳаббат қолур", "Биз бахтли бўламиз..." шеърлари ўқилганда, унинг сўзларида басталанган қўшиқлар янграганда барчанинг қалби тўлқиланди.

Нилуфар РАҲМОНҚУЛОВА,  
52-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари



## СОМСАНТИЗНИ ЕСАНТИЗЧИ!

Масҳара расмлар устаси Абдуғаффор Маматов тамадди қилиб олиш учун сомсахонага кирса, столлар устига "Муштум" журнали варақлари ёзиб қўйилган экан. Сомса олиб келиб, ўтириб, бир пиёла чойни ҳўллаб, қўшни столдаги икки

ийигит журнал саҳифасидаги ўзи ишлаган "Сўзсиз сурат"ни муҳокама қилишаётганини кўрибди. Бири рассом ундай демоқчи бўлган, деса, иккинчиси, йўқ, бундай демоқчи бўлган, деб тортишиб қоли-

бири ўқрайиб қарабди-да, жажл билан дебди: – Ақлингиз етмаган нарсага аралашиб нима қиласиз, ака. Сомсангизни есангизчи!..

Ҳабиб СИДДИҚ



### Кечикиш

Ишга кеч қолдим деб, шоша-пиша кийимларимни кийдим. Чойимни ҳам ичмасдан йўлга отландим-у, боргунимча хийла вақт ўтишини чамалаб бошлигимга: "Уэр, ишга бир оз кеч қоламан", деб смс жўнатворсам, бошлигимдан: "Раҳмат, уйотганинг учун", деган жавоб келди.

### Ўхшашлик

– Салом!  
– Привет!  
– Ахволингиз қандай?  
– Спасибо. Хорошо.  
– Как ваши дела?  
– Яхши. Сиз ўзбекмисиз?  
– Да.  
– Унда нега ўзбекча гапирмайсиз?  
– Я по-узбекски понимаю, но не умею говорить...  
– Мени итимга ўхшаркансиз-да...  
– В смысле?  
– Менинг итим ҳам тушунади, бироқ, гапира олмайди...  
@haqiqatonline

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА  
Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Файрат ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.  
Электрон почта: haqiqat@umail.uz th-tp@inbox.ru

Қабулхона:  
Бош муҳаррир ўринбосари:  
Масъул котиб:  
Бўлим муҳаррирлари  
Шарҳнома ва эълонлар:  
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:  
71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)  
71 233-70-10  
71 233-90-82  
71 233-38-23, 71 233-48-08  
71 233-65-59  
71 233-54-10

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмуджоев томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА  
Назоратчи мусаҳҳах  
Аллома АЗИЗОВА  
Навбатчи  
Эррали НОРБЕКОВ